SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

O'ZBEKISTON OVOZI

• 2017-yil, 11-fevral. Shanba • 19 (32.234) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

ҲУДУДЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ БУТУН МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 10 февраль куни Сурхондарё вилоятига ташриф буюрди.

Сурхондарё вилояти иқтисодий салоҳияти, табиий бойликлари билан мамлакатимиз тараққиётида алоҳида аҳамиятга эга. Мустақиллик йилларида ана шу салоҳият ва имкониятларни халқимиз манфаатлари йўлида ишлатиш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Вилоят иқтисодиёти барқарор суръатлар билан ривожланмоқда. Бунинг тасдиғини 2016 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 8 фоиз ўсгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Тўпаланг гидроэлектростанцияси, Жаркўрғон нефтни қайта ишлаш заводи, «Шарғун кўмир», «Хўжаикон туз» акциядорлик жамиятлари, «Хонжизза» кон-бойитиш мажмуаси каби йирик корхоналар вилоят саноатида етакчи ўрин тутмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ҳам жадал ривожланмоқда. Мазкур соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 75,3 фоизни ташкил этмоқда. Меҳнат билан банд аҳолининг 80 фоиздан зиёди айни шу соҳада иш юритмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Сурхондарёга ташрифи давомида ўзининг сайловолди дастурида вилоятни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш бўйича белгиланган режалар ижроси, шаҳар ва туманларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди.

Дастлаб давлатимиз раҳбари Термиз туманидаги «Gold Agro Fresh» агрофирмаси фаолияти билан танишди.

Халқимиз фаровонлиги, юртимиз бозорларининг қишин-ёзин тўкинлигига Сурхондарё фермер ва деҳқонлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Мамлакатимиздаги экин майдонларининг 7 фоизи мазкур вилоятга тўғри келади. Воҳа деҳқонлари юртимизда етиштириладиган пахта ва ғалланинг 8-9 фоизини, мева ва сабзавотнинг 11 фоиздан зиёдини етказиб бермоқда.

Кейинги йилларда пахта майдонлари қисқартирилиб, қишлоқ хўжалиги таркибий ўзгартирилаётгани натижасида мева-сабзавот етиштириш кўпаймоқда, уларни қайта ишлаш саноати ривожланмоқда.

«Gold Agro Fresh» агрофирмаси сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва уларни экспорт қилишга ихтисослашган истиқболли лойиҳалардан биридир. Қиймати 35 миллион АҚШ доллари бўлган корхонанинг замонавий иссиқхоналарида йилига 30 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш, шунингдек, 1000 иш ўрни яратиш режалаштирилган. Ҳозир 20 гектарлик 15 блокда помидор, гулкарам, брокколи, рукколо ва ялпизнинг харидоргир навлари ўстирилмоқда. 70 блокнинг барчаси ишга тушгач, иссиқхоналарнинг умумий майдони 100 гектардан ошади. Бундан ташқари, 434 гектар ерда мавсумий экинлар экилиб, 23 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш, 2 минг 100 кишини иш билан таъминлаш, келгусида 100 гектар ерда интенсив боғ яратиш режалаштирилган.

Президентимиз бу ерда етиштириладиган маҳсулотлар турини кенгайтириш, 5 минг гектарда анор, 5 минг гектарда лимон етиштиришни йўлга қўйиш, одамларнинг даромадини кўпайтириш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари шу ернинг ўзида мева-сабзавот етиштириш, паррандачилик, чорвачилик каби тармоқлардаги истиқболли лойиҳалар билан ҳам танишди.

Ангор туманида қурилаётган мева-сабзавот етиштириш, сақлаш ва қайта ишлашга ихтисослаштирилган «Angor Gold Fruits» масъулияти чекланган жамияти лойиҳасига мувофиқ 530 гектар интенсив боғ, уч минг тонна мева-сабзавотни сақлаш имкониятига эга музхона қурилиши кўзда тутилмоқда.

Жаркўрғон туманида қурилиши режалаштирилаётган «Фабулло строй сервис» масъулияти чекланган жамияти ҳам мева-сабзавот етиштириш, сақлаш ва қайта ишлашга ихтисослаштирилган. Мазкур лойиҳа амалга оширилиши натижасида 150 иш ўрни яратилади. Замонавий иссиқхонада 600 тонна мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирилади ва экспорт қилинади. Сиғими 2 минг тонна бўлган замонавий музлатгичда йил давомида 6 минг тонна маҳсулот айланади. Мева-сабзавот маҳсулотларини қуритиш ускунасининг қувватини йилига 8 минг тоннага етказиш мўлжалланмоқда.

Президентимиз бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш, мева-сабзавотларнинг ноанъанавий турларини кўпроқ экиш ва қайта ишлаш, экспортни кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Қизириқ туманида икки минг бош қорамол боқишга мўлжалланган замонавий чорва комплекси барпо этилмоқда. 762 гектар майдонда қурилаётган ва қиймати 11,5 миллиард сўм бўлган ушбу мажмуада йилига тўрт минг тонна сут, икки юз тонна гўшт етиштирилади. 2,5 миллиард сўмлик замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланадиган корхонада юздан ортиқ киши меҳнат қилади.

Президентимиз чорвачилик комплекслари билан биргаликда агрофирмалар ташкил этиб, сут ва гўштни қайта ишлаш, рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаб, экспортга йўналтириш зарурлигини таъкидлади.

Музработ туманида паррандачилик комплекси ташкил этилмоқда. Лойиҳа қиймати 5,5 миллион доллар бўлган мазкур мажмуада йилига 59,1 миллион дона тухум, 1,4 миллион жўжа ва 198 тонна товуқ гўшти етиштириш, 100 иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Сентябрь ойида ишга туширилиши мўлжалланаётган ушбу комплекснинг умумий майдони 15 гектар бўлиб, унинг 2,5 гектарида ишлаб чиқариш бинолари жойлашади.

Мажмуа раҳбарлари билан учрашувда одамларга жўжа ва ем етказиб бериб, оилалар фаровонлигини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шавкат Мирзиёев «Шеробод пахта тозалаш» акциядорлик жамиятида ингичка толали пахтани қайта ишлаш корхонаси, зараркунандаларга қарши курашишга қаратилган ишланмалар, лимон ва писта етиштиришга ихтисослашган плантациялар лойиҳаларини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари Ҳаким ат-Термизий мақбарасини зиёрат қилди. Бу ерда олиб борилаётган реконструкция ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.

Президентимиз Термиз туманида ташкил этиладиган балиқчилик комплекси лойиҳасини амалга ошириш ишларини бориб кўрди.

Мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини янада ошириш, халқимизни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида чорвачилик, балиқчилик, паррандачилик каби соҳалар ривожига катта эътибор қаратилмоқда. Барча ҳудудларда шу йўналишларга ихтисослашган янги корхона ва хўжаликлар ишга туширилмоқда.

Бугунги кунда Сурхондарё вилоятида 186 балиқчилик хўжалиги фаолият юритмоқда. Энди улар сафига «Термиз агро фиш экспорт» агрофирмаси ҳам қўшилади. Бу ерда балиқ етиштириш билан бирга, балиқ учун озуқа ишлаб чиқариш, балиқ маҳсулотларини экспортга йўналтириш ишлари ҳам амалга оширилади.

Корхонада Вьетнам технологиялари асосида Африка лаққаси, карп каби балиқлар етиштирилади. Илғор усуллари билан ажралиб турувчи ушбу технология балиқ етиштириш самарадорлигини беш баробарга ошириши билан аҳамиятлидир. Комплексда 500 тонна балиқни қайта ишлаш, 105 иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган.

Халқимиз балиқни лукмаи ҳалол деб аташида катта ҳикмат бор, деди Президентимиз. Унинг таркибида инсон саломатлиги учун жуда муҳим бўлган элементлар, витаминлар сероб. Сурхондарё балиқчилик учун зарур табиий иқлим, сув захираларига эга. Бундан унумли фойдаланиш, тармоқни янада ривожлантириш учун махсус дастур ишлаб чиқиш керак. Балиқчиликни чуқур ўзлаштирган мутахассислар тайёрлаш мақсадга мувофиқдир.

Давлатимиз раҳбари Сурхондарё вилоятида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш лойиҳаси билан танишди.

Лойиҳада вилоятдаги гидротехника иншоотлари, канал ва бошқа сув тармоқларини реконструкция қилиш, янгиларини қуришга қаратилган 122,7 миллион долларлик чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Унинг 89,5 миллион доллари Ислом тараққиёт банкининг кредити ҳисобига қопланади. Натижада вилоятнинг Шеробод, Сариосиё, Денов, Олтинсой, Шўрчи, Бойсун, Қумқўрғон туманларидаги 103,5 минг гектар майдонда сув таъминотини яхшилашга эришилади.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари федерацияси кенгашига қарашли «Термиз марвариди санаторияси» масъулияти чекланган жамиятида амалга оширилаётган реконструкция ишларини кўздан кечирди.

Учқизил сув омбори бўйидаги баҳаво ҳудудда жойлашган ушбу сиҳатгоҳда беморлар физиотерапия ва маъданли сув, қум ва қуёш нурлари билан даволанади.

Бугунги кунда сиҳатгоҳнинг 80 ўринли биноси тўлиқ реконструкция қилинди. Кейинги босқичда 60 ўринли янги бино қуриш ва уни илғор тиббий ускуналар билан жиҳозлаш, қозонхоналарни модернизация қилиш, ҳудудда болалар майдончаси, футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи ва бошқа спорт турлари билан шуғулланишга мўлжалланган стадион ва майдончалар барпо этиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга мазкур ҳудудда том маънодаги замонавий дам олиш комплексини бунёд этиш бўйича тегишли топшириқлар берди.

Шавкат Мирзиёев Ангор туманида Хитой билан ҳамкорликда ташкил этиш режалаштирилган «Huashen Silkworm Pro» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхона лойиҳаси билан танишди. Жорий йилда фойдаланишга топшириладиган ушбу корхона ипак қурти етиштиришга ихтисослаштирилган бўлиб, бу ерда 3 минг 700 дан ортиқ иш ўрни яратилади.

Сурхондарё вилояти ипакчилик соҳасида катта тажрибага эга. 2016 йили 3 минг 394 фермер хўжалиги томонидан қарийб 1 минг 553 тонна пилла етиштирилди.

Давлатимиз раҳбари мазкур лойиҳа билан танишар экан, Сурхон воҳаси маҳсулдор ипак қурти парваришлаш учун қулай табиий иқлим шароитига эга эканини таъкидлади.

Янги корхона мамлакатимиз енгил саноатини сифатли хомашё билан таъминлаш, воҳа аҳолиси учун янги иш ўринлари яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз Сурхондарё вилоятига сафари давомида Ангор туманидаги Занг гиламбоб қишлоғида Шоди бобо Хушбоқов хонадонида бўлди. Шавкат Мирзиёев Шоди бобо ва у кишининг умр йўлдоши Саломат момо билан оиланинг кундалик ҳаёти, фарзандлар касб-кори ва набиралар тарбияси тўғрисида суҳбатлашди.

Сизлар каби кўпни кўрган, юзидан нур ёғилиб турган отахон ва онахонлар жамиятимизнинг мустаҳкам замини, юртимизнинг файзу баракасидир, деди Президентимиз.

Ердан унумли фойдаланилса, Сурхондарё шароитида йилда уч мартагача ҳосил олиш мумкинлиги, ҳаракат қилган одам ўзини ҳам, халқини ҳам бой қилиши таъкидланди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар, истиқболдаги режа ва эзгу мақсадлар ҳақида сўз юритилди.

Хонадон эгалари давлатимиз раҳбари халқ ичига кириб, одамларнинг фикрини ўрганаётганидан юртдошларимиз жуда мамнун бўлаётганини таъкидлади. Одамлар оғирини енгил қилиш, турмушини янада фаровон этиш борасидаги улкан, тизимли ишлари учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирди.

Шавкат Мирзиёев Шеробод туманидаги «Ғуржак-1» массивида янгиланган намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган уй-жойлар, бу ерда аҳоли учун яратилган шароит билан танишди.

Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари халқимизга, аввало, фарзандларимизга ҳеч кимдан кам бўлмаган имкониятлар яратмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 21 октябрдаги «2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Мазкур қарорга мувофиқ Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида Сурхон воҳасида 1009 арзон ва замонавий уй-жой барпо этилаётир. Шеробод туманидаги «Ғуржак-1» массивида қисқа муддатда 32 хонадондан иборат 2 қаватли иккита, хўжалик иморатлари ва ҳовлиси бўлган бир қаватли ўнта шинам уй бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди.

Замонавий ва миллий меъморлик андозалари асосида қурилган янги массивда ижтимоий инфратузилма объектлари, сервис ва хизмат кўрсатиш шохобчалари бунёд этилган. Уйлар табиий газ, тоза ичимлик суви ва электр энергияси билан таъминланган.

Давлатимиз раҳбари ёш оила — Ўктам Абдуллаев ва Малоҳат Жумаева хонадонида бўлиб, уларни янги уйга кўчиб ўтгани билан табриклади. Янги уйда ёш оила бахтиёр ва фаровон яшаши учун яратилган қулайликлар билан қизиқди. 3 хонали уйнинг ҳовлисида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экиш учун томорқа бор. Хонадон соҳибининг бувиси Каромат момо Абдуллаева кўркам, обод ва шинам уйлар олишда кенг имкониятлар яратилаётгани, бу ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатларини таъминлашга хизмат қилаётганини айтиб, давлатимиз раҳбарини дуо қилди.

Шавкат Мирзиёев 16 хонадондан иборат икки қаватли уйда яшаётган уй соҳиблари билан ҳам суҳбатлашди. Халқимизнинг тобора ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини қондириш, улар учун муносиб ҳаёт шароити яратиб бериш бугунги кундаги асосий вазифалардан эканини алоҳида қайд этди. Мутасаддиларга вилоятнинг қишлоқ массивларида аҳолига шаҳардагидан қолишмайдиган турмуш шароитлари яратиш, якка тартибда уй-жой қуриш кўламини янада кенгайтириш юзасидан тегишли тавсиялар берди.

Президентимиз Шеробод туманидаги Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий зиёратгоҳида амалга оширилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди.

Буюк аждодимиз ҳадис тўплашдан ташқари ҳуқуқшунослик, табиатшунослик, табобат, илми нужум, тилшунослик, ахлоқ ва бошқа кўплаб соҳаларда ҳам асарлар яратган. Мусулмон оламида буюк муҳаддислардан бири сифатида машҳур бўлган улуғ алломанинг бебаҳо мероси бугунги кунда ҳам кенг ўрганилмоқда.

Шу кунларда бу ерда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мажмуа ёнидаги қабристон ободонлаштирилди, 4,5 километр йўлга асфальт ётқизилди, сув, электр энергияси ва газ тармоқлари тортилди.

Давлатимиз раҳбари мажмуани янада обод масканга айлантириш, қулай шароитлар яратиш зиёратчилар оқимини кўпайтириш имконини беришини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Шеробод туманида «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти томонидан барпо этилаётган цемент заводи қурилиши билан танишди.

Сурхондарё вилоятида иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш, саноат корхоналарини техник ва технологик янгилаш, янги ишлаб чиқариш қувватлари барпо этиш юзасидан қатор истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда бунёдкорлик кўлами кенгайгани, иқтисодиётнинг мазкур тармоғига эҳтиёж тобора ортиб бораётгани қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган янги корхоналар барпо этишни тақозо этмоқда. Шу маънода ушбу заводнинг ишга туширилиши айни муддао бўлади.

Тумандаги «Вандоб» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида бунёд этиладиган цемент заводи қурилиш саноатини замон талаблари даражасида ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Лойиҳа қиймати 212,8 миллион доллар бўлган ушбу саноат корхонасида йилига 1,5 миллион тонна портландцемент ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Корхона ишга туширилгач, бу ерда мингдан зиёд иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари ушбу завод нафақат вилоят, балки мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутишини таъкидлади. Лойиҳачи ва қурувчилар билан суҳбатда қурилиш суръатларини жадаллаштириш, сифат ва муддатга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди.

Термиз шаҳрида Сурхондарё вилояти фаоллари билан учрашув бўлиб ўтди. Йиғилишда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, ёш авлодни тарбиялаш ва иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Сурхондарё вилоятига ташрифи давом этмоқда.

ЎзА

Муносабат

ЎЗБЕКИСТОННИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

бешта устувор йўналиш асосида мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтаради

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони бутун халқимиз томонидан кўтаринки руҳда, қизғин кутиб олинди. Мазкур ҳужжат халқимиз хоҳиш-истакларини ўзида мужассам этгани билан ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Бугунги кунда ушбу стратегиянинг мамлакатимиз тараққиёти, аҳоли фаровонлигини оширишдаги ўрни ҳақида кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда.

HARAKATLAR STRATEGIYASI 2017-2021

2

Инсон манфаатлари

Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

ОЧИҚ-ОШКОРА МУЛОҚОТДА

мурожаатлар қабул қилинди

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши томонидан Қуйи Чирчиқ туманида «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун» мавзусида аҳоли вакиллари билан очиқ мулоқот ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзолари, маҳаллий давлат идоралари раҳбарлари уй-жой қурилиши, коммунал, транспорт ва савдо хизматлари, электр энергияси таъминоти, йўлларнинг ҳолатини яхшилаш ҳақидаги саволларга батафсил жавоб беришди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Рспубликасини янада ривожлантириш бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясининг аҳамияти юзасидан батафсил маълумотлар тақдим этилди.

Мурожаатларни ҳал этишда депутатлик сўрови институтидан самарали фойдаланиш зарур. Шу йилнинг январь ойида вилоятдаги туман, шаҳар Кенгашлари депутатлари томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига 33 депутатлик сўрови юборилган. Улардан 14 таси қонун ва қарорларнинг бажарилиши, 19 таси фуқароларнинг мурожаатлари билан боғлиқдир.

Очиқ-ошкора мулоқот давомида билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлар, кўтарилган муаммо ва масалаларни партия гуруҳларида кўриб чиқиш бўйича тавсиялар берилди.

Шу куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари туман кенгашида ташкил этилган «Жамоатчилик қабулхонаси»да фуқароларни қабул қилишди. Мурожаатларни ҳал этиш чоралари белгиланди.

Гулрух ОДАШБОЕВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ЎЗБЕКИСТОННИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

бешта устувор йўналиш асосида мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтаради

1 Шерзод ЗУЛФИҚОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси кафедра мудири, юридик фанлар номзоди:

— Бу ҳужжатнинг тарихий аҳамияти шундаки, Ҳаракатлар стратегияси лойиҳаси кенг омма муҳокамасига қўйилди. Бундан кўзланган асосий мақсад давлат ва жамият ривожини янги босқичга кўтариш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, бу масалада энг аввало, халқимизнинг фикрини билиш бўлди.

Ҳаракатлар стратегиясида бешта устувор йўналиш белгиланган. Биринчи йўналиш давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга қаратилган. Бунинг замирида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини таъминлашдек эзгу мақсад мужассамлашган.

Президентимиз томонидан инсон манфаатларини таъминлаш, унинг қонуний ҳуқуқларини амалга ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ҳаракатлар стратегиясининг асосий йўналишлари белгиланган. Яъни, шахс, давлат ва жамият узвийлигини таъминлаш биринчи ўринга қўйилган.

Ҳаракатлар стратегиясининг муҳокамаси давомида 1300 дан ортиқ таклиф келиб тушган бўлса, уларнинг асосий қисми мазмунан ушбу ҳужжатда ўз ифодасини топди. Бу аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ошиб бораётгани, эртанги тақдирига бефарқ эмаслигини кўрсатмоқда.

Ҳаракатлар стратегияси беш йил давомида йилма-йил амалга оширилади. Юртимизда йилларга бериладиган номлардан келиб чиқиб, ҳар бир йил бўйича давлат дастурлари қабул қилинишини назарда тутган ҳолда рўёбга чиқарилади.

Мазкур ҳужжатга нафақат мамлакатимизда, балки хорижлик экспертлар томонидан ҳам қизиқиш билдирилмоқда. Унинг қабул қилиниш жараёнига демократиянинг муҳим белгиси сифатида баҳо берилди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон тараққиётда янги босқичга кўтарилаётганидан далолат беради.

2 Нодира ҲАКИМОВА,
Фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро суди судьяси:

— Ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи йўналиши қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга қаратилган чора-тадбирлардан иборат.

Маълумки, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда суд тизими муҳим ўрин тутади. Чунки одам бирор муаммога дуч келса, судга мурожаат қилади. Шу боис бу масала иккинчи асосий йўналиш сифатида эътироф этилган. Ҳужжатда судларнинг том маънодаги мустақиллигини таъминлаш, жамоатчилик назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Судларнинг шаффофлигини таъминлаш аҳоли мурожаатларини ҳал этишнинг янги механизмларини жорий этишни талаб қилади. Шу мақсадда маъмурий судларни, хўжалик судлари тизимида минтақавий апелляция судларини тузиш, судья ёрдамчиси лавозимини таъсис этиш орқали судларни келгусида ихтисослашувини ва уларнинг девонини мустаҳкамлаш назарда тутилмоқда.

Бу вазифалар алоҳида белгилаб қўйилиши замирида энг аввало, халқимизнинг қонуний манфаатларини таъминлаш масаласи ётибди.

3 Зафар АЗИМОВ,
Марказий банк департамент директори ўринбосари:

— Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган учинчи йўналиш иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга қаратилган масалаларни ўз ичига олади.

Айтиш керакки, бу борада банк соҳаси олдида ҳам муҳим вазифалар турибди. Хусусан, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларни кредит билан таъминлаш фаолиятимизнинг асосий йўналишидир. Биргина 2017 йилда тижорат банклари томонидан тадбиркорлар учун қарийб 17 триллион сўмлик кредитлар ажратилиши кўзда тутилган.

Агар йўналишларга эътибор қаратадиган бўлсак, оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчилик учун жорий йилда 650 миллиард сўм, қорамолчилик, эчкичилик, қўёнчилик ҳамда иссиқхоналар ташкил этишга 400 миллиард сўм кредитлар берилиши режалаштирилган.

Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун 1 триллион сўм ёки хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини кучайтиришга 1 триллион 2 миллиард сўм кредит ажратилади.

Ҳаракат стратегиясидан келиб чиқиб, жорий йилга мўлжаллаб қабул қилинган давлат дастурида яна кўплаб масалалар белгиланган. Шулардан бири — 10 мингдан ортиқ касб-ҳунар коллежи битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этган ҳолда уларга ўз ишини йўлга қўйиш учун кредитлар ажратилишидир. Мамлакатимизда янада кўпроқ битирувчиларга кредит бериш имконияти бор. Фақат бу борада ташаббуслар бўлиши керак. Битирувчиларга бизнес-режаларни тузиш, тадбиркорликнинг самарадор йўналишларини тушунтириш лозим. Ана шунда Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини сўзсиз таъминлашга эришамиз, деб ўйлайман.

4 Ботир АЛИМУҲАМЕДОВ,
Меҳнат вазирлиги илмий маркази директори ўринбосари:

— Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналиши ижтимоий соҳага қаратилган. Унда аҳолини иш билан таъминлашнинг амалий ва таъсирчан чораларини кўриш бўйича муҳим масалалар белгиланган. Янги иш ўринлари ташкил этишда ҳудудларда саноат лойиҳаларини амалга ошириш, хизмат кўрсатиш соҳаси, қурилиш ва қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш устувор аҳамият касб этади.

2017 йилда 345 минг барқарор иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган. Яна бир муҳим йўналиш аҳолини тадбиркорликка жалб этиш орқали иш ўринлари яратишдир. Жорий йил тадбиркорлик соҳасида 97 минг иш ўрни яратиш режалаштирилган. Қишлоқ ҳудудларида томорқалардан самарали фойдаланиш масаласи ҳам жуда долзарбдир. Эътибор беринг, Ўзбекистонда 3 миллион 500 мингдан ортиқ томорқа бор. Агар оилаларга 100 донадан парранда бериш амалиёти жорий этилса, ҳар бир оила бир йилда қарийб 3 миллион сўм қўшимча даромад олиш имкониятига эга бўлади.

Ҳозирда тижорат банклари ходимлари уйма-уй юриб, аҳолининг эҳтиёжларини ўрганишмоқда. Бу ҳам янги иш ўринлари яратилишига асос бўлади. Яна бир йўналиш кичик корхона ва фермер хўжаликларига турли имтиёзлар бериш орқали иш жойлари очишдан иборат.

Жорий йилда фаолияти тўхтаган корхоналарни тиклаш орқали 44 минг иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Ҳар бир иш ўрни одамлар учун имконият, даромад дегани. Шунинг учун Ҳаракатлар стратегиясида аҳоли бандлигини таъминлаш, янги ва барқарор иш ўринлари ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган ва бу жуда муҳим, деб ўйлайман.

5 Насриддин МУҲАММАДИЕВ,
Республика байналмилал маданият маркази раҳбари:

— Мазкур ҳужжатнинг бешинчи йўналиши хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш масалаларини ўз ичига олади.

Албатта, келгуси беш йилликдаги тараққиётимиз концепциясига миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик масалаларининг алоҳида киритилиши бежиз эмас. Чунки дунёдаги нотинчликлар, қарама-қаршиликлар, диний низолар билан боғлиқ муаммолар ҳамон давом этмоқда.

Мамлакатимизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари тинч-тотув яшаб келмоқда. Уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги таҳликали замон бу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқишни тақозо этади. Шу боис байналмилал маданият маркази ва унинг қошидаги миллий маданий марказларнинг фаолиятини тубдан такомиллаштириш, халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик, ҳамкорликни янада кучайтириш, таъсирчан тарғибот усулларидан фойдаланиш, айниқса, ёшларимизни миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялаш устувор вазифаларимиздан ҳисобланади. Бу ўз навбатида давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузини янада оширишга хизмат қилади.

«Ўзбекистон овози» мухбири Нурали ОРИПОВ ёзиб олди.

◀ *Давоми. Бошланиши 1-бетда.*

Халқ билан мулоқот

Таклиф ва мулоҳазаларни тинглаш, халқ билан бамаслаҳат иш тутиш, муаммоларни ҳал қилиш одамларнинг давлатга, қонунларга ишончини мустаҳкамлайди. Тараққиётга кенг йўл очади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенат аъзоларининг ҳудудларда бўлиши, жойлардаги муаммоларни ўрганиши, хонадонларга кириб, халқ билан мулоқот қилиши ҳам ана шу эзгу мақсадга қаратилган.

АҲОЛИНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН МУАММОЛАР ИЗЧИЛ ЎРГАНИЛЯПТИ

Аҳоли ва электорат вакиллари билан ўтказилаётган мулоқотларда ижтимоий инфратузилма ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш, молия-кредит ташкилотлари фаолиятини самарали ташкил этиш, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларига эътибор қаратилмоқда. Қабул қилинган қонунлар, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини яқиндан ўрганиш, аҳолининг талаб, таклифларини эшитиш, маҳаллий ижро ҳокимияти фаолиятини танқидий таҳлил этиш келгуси вазифаларни белгилаб олишда долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Хатамжон Кетмонов бир гуруҳ депутатлар ҳамда Сенат аъзолари билан Шаҳрихон туманида бўлди. Қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари, муассаса, корхона ва ташкилотларда аҳоли вакиллари билан юзма-юз мулоқотлар ўтказилди.

Учрашувларда, аввало, Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили мақсад-моҳияти хусусида сўз юритилди. Давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотлар раҳбарларининг мулоқотлар чоғида бевосита иштирок этиши муаммолар ўз вақтида ечим топишига хизмат қилиши таъкидланди.

Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенат аъзоларининг ташаббуси билан Шаҳрихон туман Кенгаши қошида ишчи гуруҳи штаби тузилди. Аниқланган камчиликлар, муаммолар туман ҳокимлиги, мутасадди ташкилотлар билан ҳал қилинади. Айрим мурожаатлар назоратга олиниб, баъзи масалалар бўйича таклифлар тайёрланади.

— Давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳаллалар, таълим, тиббиёт муассасалари фаолиятини батафсил ўрганишга ҳаракат қиляпмиз, — деди **Хатамжон Кетмонов.** — Хонадон соҳиблари билан суҳбатлашяпмиз. Уларнинг кўнглидаги режаларига аҳамият беряпмиз, амалга ошишига кўмак кўрсатяпмиз.

Ичимлик сув таъминоти, экология билан боғлиқ масалалар кўтариляпти. «Сувоқава» давлат унитар корхонаси мурожаатларни ҳал қилишга киришди. Фуқаролар айрим ҳудудларда «калифорния» теракларни кўкламда момиқ чиқариб, аллергик касалликларни қўзғатаётгани ҳақида гапиришди. Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассислари ушбу масалани ўрганишга жалб этилди.

Шаҳрихон тумани вилоятдагина эмас, балки мамлакат миқёсида аҳоли энг зич жойлашган ҳудудлардан ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан бу ерда бандликни таъминлаш долзарб вазифалар қаторида туради.

Шаҳрихон ҳунармандчилигининг донғи дунёга кетган. Уста бешикчилар, пичоқчилар, мисгар, кандакорлар самарали меҳнат қилмоқда.

Туманда мустақиллик йилларида автомобиллар ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаларига филтрлар, замонавий андозадаги пойабзаллар ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар, бир қанча масъулияти чекланган жамиятлар фаолияти йўлга қўйилди. Янгидан-янги бинолар қуриляпти. Қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган кўплаб замонавий уй-жойлар фойдаланишга топширилди.

Холдевонбек қишлоғидаги 53-умумтаълим мактабидаги таълим-тарбия, фанларни ўқитиш тажрибаси ибратлидир. Мактаб директори, ЎзХДП фаоли, Ўзбекистон Қаҳрамони Камолиддин Ғопиров бошчилигидаги малакали ўқитувчилар ўқувчиларга пухта билим беришяпти.

Шаҳрихондаги ибратли ишлар кўламининг кенглиги ҳамма муаммолар ҳал этилди, дегани эмас. Бу парламент вакиллари билан аҳоли ўртасидаги мулоқотларда аён бўлмоқда.

Депутатлар «Номозгоҳ» маҳалласидаги Анвар Абдуллаев хонадонида бўлишди.

— Президентимиз одамларнинг тадбиркор бўлишига кўмаклашиш зарурлиги ҳақида жуда ўринли гапирди, — деди хонадон соҳиби. — 10 бош қўй боқамиз. Агар чорва учун озуқа етиштиришга ер ажратилса, юзта қўй боқишни уддалаймиз. Рўзғоримизга барака киради.

Депутатлар масалани ўрганиб, ёрдам кўрсатилишини айтишди.

Шу маҳаллалик Одилжон Исмоилов электр энергияси тизимидаги узилишлар масаласини ўртага ташлади. Туман электр тармоқлари корхонасига масалага аниқлик киритиш хусусида маълумотнома тақдим этилди.

Қўш қаватли, 24 хонадонли уйда яшовчи Ёқутхон Ҳожибоева тураржой томи ва оқава тармоғи таъмирга муҳтож эканини маълум қилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Хатамжон Кетмонов билан бирга Шаҳрихон туман Кенгаши депутати Орифжон Турсунов, вилоят Кенгаши депутати Дурбек Абдураҳмонов, Ўзбекистон Қаҳрамони Камолиддин Ғопиров ҳам аҳоли хонадонларидаги суҳбатларда қатнашишди. Бу муаммоларни биргаликда ҳал этишга хизмат қилади.

— Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак, деган қатъий талабнинг амалдаги исботини кўряпмиз, — деди **меҳнат фахрийси, ЎзХДП фаоли Анорхон Мўминова.** — Одамлар депутатлар билан мулоқотларда муаммолар ечим топишига катта умид билдиряпти, янги режалар тузяпти. Биз бундан жуда хурсандмиз.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Маҳаллий ижро ҳокимияти идоралари фаолияти депутатлар, сенаторлар томонидан танқидий таҳлил этилмоқда.

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

мазмун-моҳияти ва аҳамияти халқимизга ўз вақтида етказилиши керак

Ўзбекистон Республикаси Президентининг куни кеча қабул қилинган «Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятидан ижрочилар ва аҳолини тез ва тўла хабардор этиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлашнинг самарали механизмларини ўрнатишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Мазкур қарорда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги зиммасига қатор функция ва вазифалар юклатилган. Улар ижроси бўйича амалга оширилиши режалаштирилаётган чора-тадбирлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалар билан танишинг.

Музраф ИКРАМОВ, Ўзбекистон Республикаси адлия вазири:

— Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев Конституция байрамига бағишланган тантанали маросимда қонунларни қабул қилиш – бу ишнинг бир қисми бўлиб, асосий масала қонунларнинг мақсади, мазмун-моҳиятини халқимизга ва масъул ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда қонун талабларига қатъий амал қилишни таъминлаш, бу бўйича самарали механизм яратиш кераклигига алоҳида эътибор қаратган эди.

Ушбу масаланинг ҳуқуқий ечими сифатида Президентимизнинг «Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Қарор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш, ижрочилар ва аҳолини қонун ҳужжатларининг моҳияти ва аҳамияти ҳақидаги ҳуқуқий ахборот билан таъминлашнинг сифатини ошириш, ушбу соҳадаги ишларни ташкил этишга принципиал янги ёндашувларни ишлаб чиқишга қаратилган. Шу билан бирга, мазкур қарор ҳуқуқий тарғибот, юридик таълим ва суд-экспертизаси фаолиятини янги босқичга кўтариши билан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Қарорнинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, у асосида Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасида давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идораларо кенгашнинг янги таркиби тасдиқланди, шунингдек, унда Идораларо кенгашнинг ҳудудий комиссиялари ташкил этилиши белгилаб қўйилди. Демак, адлия органлари, Идораларо кенгашга аъзо вазирлик, идора ва ташкилотлар зиммасига жуда катта масъулият юкланмоқда.

Қарор талабларидан келиб чиқиб, бешдан ортиқ янги қонун ҳужжатлари лойиҳалари, шу жумладан, «Ҳуқуқий ахборотларни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади.

Шунингдек, қарор асосида Олий Мажлис Сенати, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларида ҳар йили тегишлича Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифатнинг аҳволи тўғрисидаги ахбороти эшитилиши жорий қилинади. Қонун ҳужжатларини тезкор тарқатиш учун ҳимояланган алоқа каналлари (VPN) орқали идораларо электрон ҳамкорлик тизими ва Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг замонавий шакли яратилади.

Қарор мазмун-моҳиятига бағишлаб Юристлар малакасини ошириш марказида вазирлигимиз мутахассислари, Идораларо кенгаш аъзолари, депутатлар, сенаторлар ҳамда манфаатдор ташкилот ва муассасаларнинг масъул раҳбар-ходимлари иштирокида конференция ташкил этилди. Бу каби тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган.

Нодиржон ЖЎРАЕВ, Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ўринбосари:

— Ҳамма фойдаланиши учун қулай бўлган ахборот тизими яратилса, жамиятда ҳуқуқий маданият юксалади, қонун устуворлиги таъминланади. Норматив база тўғрисида тўлиқ ва тезкор ахборотга эга бўлган фуқаро бевосита ва ўз вакиллари орқали давлат ва жамият ишларини бошқаришда, қонунчиликни ривожлантириш ва такомиллаштиришда, амалдаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши ва бажарилишида ҳамда жамоатчилик назорати ўрнатилишида бевосита иштирок эта олади.

Адлия органлари томонидан турли ташкилотларда қонун ҳужжатларининг назорат ҳолатининг юритилиши ҳамда қонун ҳужжатлари билан таъминланиши ўрганилганида, аҳвол қониқарсиз экани маълум бўлди. Бу каби салбий ҳолатларни бартараф этиш юзасидан мутасадди раҳбарларга тегишли тушунтиришлар берилса-да, улар бу масалага етарли даражада эътибор қаратмай келаётган эди. Президентимизнинг ушбу қарори юқоридаги каби муаммоларни бартараф этиш йўлида муҳим қадам бўлди.

Мазкур қарорнинг яна бир аҳамиятли жиҳати Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳаларида тегишли қонун қабул қилингандан кейин унинг ижросини ташкил этиш, ижрочиларга етказиш ва аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишга масъул бўлган давлат органлари аниқ кўрсатилиши шартлиги белгилаб қўйилганидир.

Шу пайтга қадар бизда қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга масъул идоралар белгиланарди, лекин қабул қилингач, уни ижрочиларга етказиш, аҳоли ўртасида тушунтириш, ижросини ташкил қилиш билан боғлиқ вазифалар очиқ қолар эди. Энди бу каби ҳолатларга чек қўйилади.

Баъзан оммавий ахборот воситаларида қонун ҳужжати тарғиботини амалга оширишда хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилади. Бунинг асосий сабаби кўп ҳолларда қонун ҳужжати тарғиботи билан шуғулланаётган шахсда етарли даражада маълумотлар йўқлигидадир. Ушбу қарорда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар имзоланган куни унга оид материаллар (ҳужжатнинг концепцияси баён этилган тушунтириш хати, ўзгартириш ва қўшимчалар тушунтирилган таққослаш жадвали) билан бирга қоғоз ва электрон шаклда Адлия вазирлигига юбориш, ўз навбатида, вазирликка бир кун ичида уларни Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича барча давлат органлари ва ташкилотларига электрон шаклда етказиш мажбурияти юклатилди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни барча давлат органлари ва ташкилотларига ўз вақтида етказиш, уларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш бўйича фаолиятини самарали мувофиқлаштириш, услубий раҳбарлик ва назорат қилиш учун вазирлик таркибида Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида ҳудудий бўлимлари ташкил этилмоқда.

Шу билан бирга, Адлия вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва Миллий телерадиокомпания ҳамкорлигида оммавий ахборот воситаларининг қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳияти ва аҳамиятини етказиш бўйича ролини янада кучайтиришни назарда тутувчи комплекс дастур ишлаб чиқилиб, тасдиқланади.

Алижон ОЧИЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи:

— 2011 йили Адлия вазири раислигида давлат бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари раҳбарларидан иборат Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасида давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идораларо кенгаш тузилган эди. Лекин ўтган вақт бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш, кўзга ташланган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш кераклигини кўрсатди.

Шулардан келиб чиқиб, Президентимизнинг «Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида парламент палаталари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви, суд-ҳуқуқ органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги узвий ҳамкорликни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги назарда тутилди.

Ҳозиргача давлат органларининг тарғибот бўйича фаолияти республика даражасида мувофиқлаштирилиб, аммо ҳудудлар миқёсида очиқ қолаётган эди. Юқорида таъкидланганидек, ушбу ҳолатларга барҳам бериш мақсадида қарор билан Идораларо кенгашнинг янгиланган таркиби тасдиқланиб, адлия органлари раҳбарлари бошчилигида унинг ҳудудий комиссиялари ташкил этилиши белгиланди. Бундан ташқари, қонун ҳужжатининг тарғиботини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режаси ҳам эндиликда адлия органлари билан келишилади. Шубҳасиз, бу каби чора-тадбирлар мазкур йўналишдаги фаолиятни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Қарорда ижрочилар ва аҳолини қонунчиликнинг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида хабардор қилишнинг сифатини тубдан ошириш, ушбу фаолиятни ташкил қилишга принципиал янги ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш, аҳолининг турли қатламлари, шу жумладан, тадбиркорлар ва ёшларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, ҳуқуқий тарғибот ва маърифатни амалга оширишнинг замонавий механизмларини жорий этиш, давлат органлари ва ташкилотларининг ҳуқуқий ахборотдан кенг кўламда фойдаланишини таъминлаш, ушбу соҳада фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлик қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш Идораларо кенгаш ва унинг ҳудудий комиссияларининг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Эътиборингизни яна бир масалага қаратмоқчиман. Ушбу қарор билан Адлия вазирлиги зиммасига мамлакатда қонун ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни мувофиқлаштириш, шунингдек, суд экспертизаси фаолиятини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш, суд экспертларини тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштиришга оид қўшимча вазифа ва функциялар юклатилди.

Бугун ноюридик таълим муассасаларининг ўқув режалари, дастурлари ва дарсликларини ўрганиб чиқиш, қайта тасдиқлаш ва янги авлод дарсликларини яратишни замоннинг ўзи талаб этмоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд идораларида суд экспертизасига бўлган талаб ҳамон долзарблигича қолмоқда. Бу биздан доимий изланишни ва янги экспертиза турларини ташкил этишни тақозо этади. Юқоридаги вазифаларни ҳал этиш учун ҳам вазирлик таркибида Юридик таълим ва суд-экспертиза фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ташкил этилмоқда.

Бобур КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Ҳужжатларни электрон тарзда етказиш бўйича халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, АҚШ, Франция, Италия, Финляндия ва Россияда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар босма ва электрон шаклда расмий эълон қилинади ва улар бир хил юридик кучга эга. Бельгия, Дания, Австрия, Нидерландия, Испания ва Португалияда эса норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар босма нашрларда чоп этилмайди ва уларнинг ягона расмий манбаи электрон шакли ҳисобланади.

Айрим хорижий мамлакатларда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни бевосита ижрочиларга етказишнинг аниқ муддатлари ҳамда ушбу фаолиятни ташкил этиш ва назорат қилиш учун масъул бўлган шахслар доираси белгиланган бўлиб, мазкур масала АҚШда акт, Швейцарияда қонун, Бельгияда ҳукумат қарори билан тартибга солинган.

АҚШ, Германия, Франция, Россия, Ҳиндистондаги давлат органларининг веб-сайтлари ёки расмий нашрларида нафақат янги қонун ҳужжатлари матни, балки уларни қабул қилиш зарурати, муҳокамалар натижалари ҳақидаги маълумотлар ва бошқа ахборотлар ҳам эълон қилинади. Бу, албатта, ижрочилар ва аҳолининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ғояси, мақсадини ўз вақтида ва тўғри тушуниб олишига ёрдам беради...

Хулоса қилиб айтганда, Президентимизнинг ушбу қарори ҳуқуқий ахборотни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида тарқатиш тизимини тубдан яхшилашга, халқимизни қонунчиликнинг мазмун-моҳияти тўғрисида ҳуқуқий хабардор қилишнинг сифатини янада оширишга, энг муҳими, бу борадаги миллий тажрибамизни янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Маъмуржон ПАРПИЕВ тайёрлади.

Шу билан бирга, мазкур қарор ҳуқуқий тарғибот, юридик таълим ва суд-экспертизаси фаолиятини янги босқичга кўтариши билан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Меҳнат қилиб, унга муносиб ҳақ олиш инсоннинг устувор ҳуқуқларидан бири. Шунинг учун Президентимизнинг иш ҳақи, пенсия нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қарори ҳаммамизни хурсанд қилди.

НАҚД ПУЛ МУАММОСИ

ечим топаётганидан хурсандмиз

Очиғини айтиш керак, одамлар анча вақтдан бери деҳқон бозорларидаги савдо-сотиқ жараёнларида, сартарошлик, косибчилик, дурадгорлик каби кундалик эҳтиёждаги хизматлардан фойдаланишда қийинчиликларга дуч келаётганди. Пластик карталар билан боғлиқ муаммолардан бошлари қотиб, таъмагир кимсаларга юкинишга мажбур бўлмоқда эди.

Устига-устак пенсия таъминоти ва почта ходимлари бошқа даромади бўлмаган отахону-онахонлардан «пенсия пулим тўлиқ пластик карта орқали етказиб берилишига розиман» мазмунида аризалар ёздириб олишаётгани, яна пенсия пуллари икки ойлаб кечиктирилаётгани одамларда ишончсизликка ўхшаш иккиланишларни юзага келтираётганди.

Яқинда кекса маҳалладошимиз пластик картадаги пулни нақдлаштириш юзасидан ёрдам сўради. Бу масалага Марказий банкнинг вилоят бош бошқармасига мурожаат қилиш орқали ижобий ечим топган эдик. Қанча асаб бузилиши ва олти соатдан ортиқ вақт йўқотиш эвазига эришилган натижа барибир кўнгилхираликни ёзолмаганди.

Президент қарори аҳолини нечоғли хурсанд қилганини шу мисолдан ҳам билиб олиш қийин эмас.

«2017 йил февраль ойидан бошлаб барча турдаги пенсиялар бутун мамлакат ҳудудида ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд шаклда берилади»;

«Тоғли ва олис туманлардаги бюджет ташкилотлари ходимларига иш ҳақи тўлаш, ижтимоий тўловлар ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд шаклда амалга оширилади»;

«Олий ўқув юртлари талабаларига стипендияларнинг камида 50 фоизи нақд шаклда берилади».

Қарордан руҳланиб, ушбу сўзларни маҳалламиз гузаридаги «Янгилик ва ахборотлар» панносига катта ҳарфлар билан ёзиб қўйдик.

Нимага десангиз, одамлар нақд пул масаласида адолат қарор топаётганини ҳис этиши керак.

Маматвали ТУРҒУНОВ, Наманган шаҳридаги «Бунёдкор» МФЙ «Нуроний» жамоатчилик маркази раҳбари, ЎзХДП фаоли.

Матбуот анжумани

КОНТРАБАНДАГА ЧЕК ҚЎЙИЛМОҚДА

Давлат божхона қўмитаси контрабанда ва божхона қоидабузарликларига қарши курашиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида матбуот анжумани ўтказди.

Қайд этилдики, қўмита томонидан товар-моддий бойликлар ва контрабанда ашёларининг ноқонуний айланиши, ташқи иқтисодий фаолият соҳасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликларни фош этиш, олдини олиш, уларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Анжуманда мазкур соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозлаш ишлари ҳақида ҳам сўз юритилди. Кўрилган чора-тадбирлар туфайли нафақат йирик ҳажмдаги юк автомашиналари саноқли сонияларда божхона кўригидан ўтказиляпти, балки бу жараёнда бир қатор қоидабузарликлар ҳам фош этилмоқда.

Контрабанда жиноятининг олдини олишда турли давлатларнинг божхона хизматлари билан ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ўтган йили божхона органлари томонидан турли мазмундаги аудио ва видео маҳсулотлари ёзилган 5 мингдан ортиқ контрафакт маҳсулот аниқланган.

Матбуот анжуманида, шунингдек, тадбиркорларга яратилган қулайлик ва имтиёзлар ҳақида алоҳида сўз юритилди. Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини қўллаб-қувватлаш мақсадида тадбиркорларга ўтган йилда божхона тўловлари бўйича 13,3 триллион сўм миқдорида имтиёз берилди. Давлат рўйхатидан ўтмасдан товарларни, айниқса, сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотларини республикамизга олиб кириш, сақлаш ёки яширин тарзда ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, божхона органлари томонидан қонун ҳужжатлари бузилишининг, жумладан, ноқонуний ва сифатсиз товарлар кириб келишининг олдини олиш ҳамда фош этиш борасида самарали тизим яратилган.

Равшан ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ижтимоий ҳимоя

ЯНГИ КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

Учқудуқлик тадбиркор Мукан Бурхонов чорвачиликка ихтисослашган фирмасини янада кенгайтириш ҳамда аҳолига гўшт ва колбаса маҳсулотлари етказиб бериш мақсадида «ELITTRANS ZARAFSHON» кичик корхонасини ташкил этди. Ҳозирда мазкур корхонада 5 турдаги колбаса маҳсулотлари тайёрланмоқда. Корхона тўла қувват билан ишлаши учун 120 миллион сўм кредит эвазига Хитойдан янги технология келтирилди.

— Кичик корхонамизда 20 нафар йигит-қиз меҳнат қиляпти, — дейди Мукан Бурхонов. — Корхонамиз ҳар ой бир тоннадан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадида сутни қайта ишлаш цехини ташкил этишни режалаштирганмиз. Бу ғоя амалга ошгач яна қўшимча иш ўринлари яратилади.

Илҳом САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

O'ZBEKISTON OVOZI

• 2017-yil, 11-fevral. Shanba • 19 (32.234)-son

www.uzbekistonovozi.uz info@uzbekistonovozi.uz

ЁШЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИ

ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир

Бу суҳбатни анчадан буён мўлжаллаб юргандим. Қабулхонадаги ўриндиққа ўтириб, фикримни жамлашга уринаман.

Муродулла Нормуродов — физика-математика фанлари доктори, профессор, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг Қашқадарё вилояти бўйича минтақавий вакили, ЎзХДП фаоли.

Унинг хонаси чоғроқ экан. Жавонда китоблар кўп. Бир қанча газеталар тахламлари кўзга ташланади. Енгил ҳаракат билан ўрнидан турган Муродулла Нормуродов сўрашиб, амнистия туфайли фаол ҳаётга қайтган ёшлар билан суҳбатлашгани ҳақида гапириб берди. Мен ҳам шу йил озодликка чиққан, Китоб туманининг тоғли қишлоғида яшаётган ҳунарманд уста йигит астойдил тавба қилгани, жиноят кўчасига адашиб кириб қолгани, энди унинг ҳаётда ўз ўрни ва мақсади борлиги, давлатимиздан миннатдор эканлиги тўғрисида ҳикоя қилиб бердим.

— Ҳа, одам боласининг ҳаёт йўли ҳамиша равон бўлмайди, — дейди ўйчанлик билан Муродулла Нормуродов. — Оила, маҳалла, устозлар вақтида эътибор берса, ёшлар ўз йўлини топиб олади. Амнистия тўғрисидаги қарор кўплаб маҳкумлар, шу жумладан, адашган ёшлар учун янги имконият. Қарор асосида алоҳида Низом ҳам қабул қилинди. Низомнинг 21-бандига мувофиқ, жойларда ишчи гуруҳлари тузилди. Мен ҳам 17 кишидан иборат ишчи гуруҳи раҳбариман. Биз жазони ўташ муассасаларида бўлиб, амнистия тўғрисидаги қарор ижросини назорат қилиб бордик. Озодликка чиққанлар орасида ёшлар ҳам бор. Улар билан оиласи, яқин кишилари, маҳалла-кўй кўп бор суҳбатлашдик. Астойдил ҳаётини янгидан йўлга қўйишга уринаётганларга маслаҳат бердик.

Бу борада «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонун муҳим қўлланма бўлаяпти.

— Давлатимиз раҳбари Конституциямиз қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимда бу қонунни алоҳида таъкидлади. Янги қонуннинг ўзига хослиги ҳақида батафсил тўхталди.

— Президентимизнинг Конституция байрамига бағишлаб ўтказилган маросимдаги маърузасида давлат ва жамият тараққиётининг ниҳоятда муҳим ва долзарб тамойиллари баён этиб берилди. Агар таъбир жоиз бўлса, улар давр ўртага қўяётган янги тараққиёт концепцияси учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади. «Адолат — қонун устуворлигида» деган ғоя асосида қонунларга ҳурмат, ҳуқуқбузарликка қарши муросасиз муҳит қарор топиши алоҳида таъкидланди.

Раҳбаримиз ёшларимиз билан кўпроқ мулоқот қилиш, уларнинг дардини ҳис қилиш, кўмак бериш, мустақил ҳаётга тайёрлаш ҳақида гапирар экан, жумладан, шундай деди: «Бу вазифаларни амалга оширишда биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой меросига таянамиз. Фарзандларимиз, айниқса, қиз болаларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни, хорижий тилларни эгаллашлари, ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб, ҳаётдан муносиб ўрин топишлари учун барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз... Бизнинг навқирон авлодимиз манфаатларини таъминлаш борасидаги фаолиятимиз яқинда қабул қилинган «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонун асосида қатъий давом эттирилади».

— Бугунги шиддатли ўзгаришлар тўғрисида қандай фикрдасиз?

— Шахсан мен, бутунлай бошқача, аниқ ва теран муносабат, режалар, орзу-умидларни сезаяпман, фаҳмлаяпман, имкон даражасида ҳамқадам бўлишга уринаяпман. Хуллас, биринчи қонун 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган эди. Ўтган даврда юртимизда ёшлар камолоти, таълим, ҳуқуқий маданиятни ошириш борасида катта ютуқларга эришилди. Янги-янги олий ўқув юртлари, мактаблар, академик лицейлар, коллежлар барпо этилди. Бошқача қилиб айтганда, ёшларнинг бугун дунёқараши, илм-фанни эгаллаш, юрт доврўғини ёйиш, ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари ниҳоятда юксак. Ўз кучи, илми, энг муҳими жаҳонда ўз ўрнига эга бўлиб бораётган Ватанига ишонадиган ёшлар камолга етмоқда.

Чуқурроқ ёндашсак, олдинги қонунда 21 та модда бор эди, янги таҳрирдаги Қонунда эса улар 33 та. Оддий қўшимча ёки ўзгартиш эмас, ҳаёт тақозоси, тараққиёт мезони белгилаган йўриқлар улар.

— Шу ўринда халқаро, айниқса, ёшлар ҳуқуқлари ҳақида ҳам фикр юритсак...

— 1948 йилда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»да ҳам кўп қадриятлар қамраб олинган. Жумладан, унда ғамхўрлик ҳақида фикр юритилади. 26-моддасида таълим олиш ҳуқуқининг тенгсиз тамойил эканлиги уқтирилган. Мамнуният билан айта оламанки, бизнинг қонунимиз барча халқаро ҳуқуқ нормаларини ривожлантириб, бойитган. Бундан ташқари, дунёнинг кўплаб давлатларида ёшларга оид бундай қонун яратилмаган.

Қонунда ёшларнинг очиқ, сифатли таълим олиши, касб эгаллаши, тадбиркорликни ривожлантириш, меҳнатга жалб этиш, ўз истеъдодларини юзага чиқариш, бағрикенглик, ёт ғояларга қарши кураша оладиган инсон қилиб тарбиялаш, маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва бошқа ҳаётий вазифаларнинг ҳуқуқий асослари қамраб олинган. Бу борада давлат сиёсатини рўёбга чиқарувчи орган ва муассасаларнинг тизими 9-моддада аниқ-равшан белгилаб қўйилган.

Келинг, бир-иккита мисол келтирай. Ўтган йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган Олимпиада ва Паралимпия ўйинларида матонат билан қатнашиб, юртимиз довруғини жаҳонга ёйган спортчиларимиз давлатимиз томонидан моддий ва маънавий рағбатлантирилганини эсланг. Ифтихорга тўлган юраклар бу хабарни эшитиб, жунбушга келганди. Уларнинг минглаб, ўн минглаб издошлари юртга муносиб бўлиш учун белларини маҳкам боғлаб машғулотларда қатнашмоқда. Битта ғамхўрлик ва эътиборнинг баҳоси тенгсиз, бу янги-янги шон-шарафга даъват! Ёки бошқа жойларда бўлгани каби вилоятимизда ҳам «Камолот» уйлари қурилди ва ёш оилаларга топширилди. Ҳарбий хизматни аъло ўтаб келаётган ёшлар олий ўқув юртларига киришлари учун яратиб берилаётган имтиёзларнинг ўзиёқ, давлатимизнинг чексиз муруввати, иқтидорли ёшларни тарбиялаш борасидаги қутлуғ ниятидан нишона.

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаоли сифатида янги таҳрирдаги қонунни амалга ошириш борасидаги вазифаларга ҳам тўхталсангиз.

— Очиғи, бу саволни кутгандим. Чунки ҳаётимнинг эсдан чиқмайдиган йиллари Ўзбекистон Халқ демократик партияси билан боғлиқ. Келинг, Қонунни кўздан кечирайлик. Унинг 23-моддасида «Ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш кафолатлари» белгилаб қўйилган. Ўқитиш, таълим муассасаларида таҳсил олиш учун имтиёзли кредитлар ажратиш, бандлик, етим, ота-она қарамоғидан маҳрум ёшларни уй-жой билан таъминлаш, эҳтиёжманд оилаларга кўмак... Ўқийман, фахрланаман, ғурурланаман! Аввало, бу — порлоқ келажак ва юксак тараққиётни ўйлаётган давлатимизнинг саховатли қалби! Ўз навбатида бу одил ва халқчил сиёсат муносиб ўринбосарлар тарбиялаш учун таянч бўлиб хизмат қилади. Демак, олдинги қонун билан фарқ нафақат йилларда, балки янгисида куч-қудратга тўлган давлатимизнинг моддий ва маънавий имкониятлари, келажак олдидаги қутлуғ ниятлари ҳам ўз ифодасини топган.

Энди партиямизнинг ғоя ва мақсадларига келайлик. Уларда электоратимиз манфаатлари, давлат тараққиёти масалалари, айниқса, ёшлар камолоти билан боғлиқ вазифалар аниқ баён этилган. Менимча, булар янги давр вазифаларига мос ва ҳамоҳангдирки, уларни амалга ошириш учун фаол кураш олиб бориш лозим. «Ёш сиёсатчи», «ЎзХДПнинг энг фаол аёли» танловларини бу йилда ташланган муҳим қадам деб, ҳисоблайман. Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш масалаларига талабчанлик билан ёндашиш керак. Партиямиз сафида навқирон маслакдошларимиз кўпаймоқда. Агар таъбир жоиз бўлса, яшараётган, кучга тўлаётган, келажакни ўйлаётган партия кўпроқ муваффақият қозонади, хайрихоҳлари ортади.

— Илм фақат ўрганилмайди. Балки ўргатилади ҳам. Шогирдларингиз ҳақида тўхталсангиз.

— Умрим ёшлар орасида ўтаяпти. Шогирдларим сафида фан номзодлари, докторлар, кашфиётчилар борлигидан қувонаман. Ҳозир ҳам Қарши давлат университетида илмий маслаҳатчиман. Яқинда Тошкент давлат техника университетида меҳнат қилаётган шогирдим... Дилноза Умрзоқованинг нанотехнология соҳасидаги изланишлари амалиётга тавсия қилинганини эшитиб, роса севиндим ва фахрландим.

Бундай келажаги порлоқ, талантли ёшларни камолга етказишда «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонун муҳим қўлланма. Уни амалга ошириш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Суҳбатдош: Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Муносабат

Узун тумани тоғли ҳудудда жойлашган. Тумандаги Хонжиза маҳалласида 5 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Яқин-яқингача аҳолимизни йўл муаммоси қийнаб келарди. Қишли-қировли кунларда лой ва баҳорги қўчкилардан ҳафталаб марказга боролмаганмиз. Кундалик эҳтиёж маҳсулотларини олиб келиш учун от-уловдан фойдаланган кезларимиз кўп бўлган.

УЗОҒИМИЗ ЯҚИН БЎЛМОҚДА

2014 йилда 30 километрга яқин йўл фойдаланишга топширилди. Кенг ва равон йўл қурилиши билан ҳаётимиз тубдан ўзгарди. Бундан ташқари, қисқа вақтда 53-умумтаълим мактаби иш бошлади. Қатор савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қилмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори, айниқса, олис ва чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган ҳамюртларимиз учун айни муддао бўлди.

Қарорда транспорт воситаларини замонавий, қулай автобуслар ва микроавтобуслар билан янгилаш, йўналишларни оқилона ташкил этиш ва кенгайтириш, йўл қопламаларини биринчи навбатда қишлоқ жойларда яхшилаш ҳисобига аҳолининг талабларини тўлиқ қондиришни таъминлаш устувор вазифа қилиб белгиланган. Шу билан бир қаторда йўловчилар ташиш хавфсизлигини кучайтириш, йўналишлар бўйича ҳаракатланиш жадвалларига қатъий риоя этилишини таъминлаш, кўрсатилаётган хизматларнинг сифат даражасини ошириш, йўловчилар ташиш соҳасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини шакллантириш, йўлкира ҳақи учун нақд пулсиз тўлов тизимини жорий қилиш чоралари кўрилиши ҳаммамизни мамнун этди.

Келажакда олис қишлоқларимизда ҳам замонавий автобус ва микроавтобуслар қатнайди. Янги йўналишлар ташкил қилиниб, автостанция ва тўхташ пунктлари қурилади. Қишлоқ аҳолиси бандлиги таъминланади. Бу эса ривожланиш ва тараққиётга хизмат қилиши муқаррар. Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг қарори халқимиз, айниқса, электоратимизни қўллаб-қувватлаш ва манфаатларини ҳимоя қилишда ўзига хос дастуриламал бўлди.

Абдулла МУҚИМОВ,
шифокор,
ЎзХДП фаоли.

БУГУН	Об-ҳаво маълумоти (°С)
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	-5/-15
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+5/-7
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	+3/-2
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	+8/-3
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	+10/-5
Тошкент шаҳри	+2/-2

«Ипотека-банк» АТИБ жамоаси банк рисклари бошқариш департаменти директори ўринбосари Равшан Баҳромовга отаси **Шабарат БАҲРОМОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Реклама

XALQ BANKI

Азиз юртдошлар!
Халқ банки томонидан
«Аҳолини тадбиркор қилиш»
мақсадида тақдим қилинаётган
имтиёзли кредитлар
қуйидаги йўналишларга ажратилади:

- чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, қуёнчилик, балиқчилик тармоқларини йўлга қўйиш учун;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, боғдорчилик ва узумчиликни ташкил этиш;
- иссиқхоналар барпо этиш;
- кичик ишлаб чиқариш цехларини ишга тушириш учун;
- ҳунармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш учун;
- машиний хизмат кўрсатиш, жумладан, умумий овқатланиш, тикувчилик, пойабзал таъмирлаш, сартарошхона хизматини йўлга қўйиш учун;
- аҳолига транспорт хизматлари ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчасини ташкил қилиш учун;
- компьютер хизматлари кўрсатишни ташкил қилиш учун;
- савдо фаолиятини йўлга қўйиш учун;
- миллий ширинликлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқа фаолиятни амалга ошириш учун.

Банклар – тадбиркорларнинг ҳамкори ва ишончли таянчи!

Батафсил маълумотларни хонадонингизга ташриф буюраётган банк ходимларидан ёки ҳудудингиздаги Халқ банкининг филиалларидан олишингиз мумкин!

Халқ банкининг имтиёзли кредитларидан фойдаланиб, ўз бизнесингизни ташкил этинг!

БИЗ СИЗНИНГ БИЗНЕС ҒОЯНГИЗНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ БИРГА ЎРГАНАМИЗ

Телефон: (0371) 200-00-55 www.xb.uz

Хизматлар лицензияланган.

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Saidkamol XODJAYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 238
17554 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 01:05
Topshirilgan vaqti — 02:15

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5 6